ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҚУЙИЧИРЧИҚ ТУМАНИ ҲОКИМИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI QUYICHIRCHIQ TUMANI HOKIMI

Q A R O R
ҚАРОР

« 29 **»** март **2019 йил** 899 **- сон** **Дўстобод шаҳри**

Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3699-сон Ўзбекистон республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда) ва Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2452, 2013 йил 25 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар (туман Мудофаа бўлими, туман Ички Ишлар бўлими, туман Давлат хавфсизлик хизматидаги ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлмаган техникалар бундан мустасно) қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2019 йил учун йиллик техник кўрикдан ўтказиш учун туман ишчи гурухи таркиби **1-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларнинг, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш **2-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларини, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш жорий йилнинг 1 августига қадар тугатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини таъминлаш ва техник кўрикдан ўтказиш учун пул йиғимлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда ундирилишини таъминлаш Инспекциянинг Қуйичирчиқ туман бўлими техника ҳолати ва агротехник тадбирлар устидан назорат қилиш шўъбаси катта инспектори С.С.Хакимов зиммасига юклатилсин.

5. Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимининг 2018 йил 5 февральдаги “Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзи юрар машиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари, машина-трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги қарори ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Паттаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **С.Муродов**

Қуйичирчиқ тумани ҳокимининг
2019 йил “ “ _____даги
“ ” - сон қарорига
1-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларини, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман ишчи гурухи

ТАРКИБИ

Гурух рахбари:

Инспекциянинг Қуйичирчиқ туман бўлими
техника ҳолати ва агротехник тадбирлар
устидан назорат қилиш шўъбаси катта инпектори С.С.Хакимов

Гурух аъзолари:

Туман фермер, дехқон хўжалиги ва томорқа
ер эгалари Кенгаши раиси С.Хайдаров

Туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими
бошлиги ўринбосари А.Дехқонов

Туман машина трактор парки рахбари Н.Ибрагимов

Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимининг
2019 йил “ “ _____даги
“ ” - сон қарорига
2-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларини, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш

Ж А Д В А Л И

№	Худуд номи	Ўтказиладиган муддати	Жавобгар шахс
1	Пахтачи худуди	04.03.2019	Қ.Аккулов
2	Мехнатобод худуди	04.03.2019	Ш.Ансатов
3	Дўстлик худуди	04.03.2019	Ф.Эстаев
4	Юлдуз худуди	05.03.2019	Х.Толипжонов
5	Ўжакент худуди	05.03.2019	А.Мажидов
6	Абай худуди	06.03.2019	Э.Мирзахўжаев
7	Тошовул худуди	06.03.2019	М.Каримов
8	Ўзбекистон худуди	07.03.2019	Т.Хамидов
9	Отажонов худуди	07.03.2019	И.Тўйчиев
12	Улуғбек худуди	08.03.2019	К.Кабилов
10	Янги хаёт худуди	08.03.2019	Х.Мухиддинов
11	Гулистон худуди	11.03.2019	Д.Аширбеков
13	Беруний худуди	11.03.2019	Р.Эгамов
14	Хамза худуди	12.03.2019	И.Қаюмов
15	Навоий	12.03.2019	Т.Хаитхўжаев
16	Қуйи Чирчиқ Агросервис МТП МЧЖ	13.03.2019	Н.Ибрагимов
17	Қуйи Чирчиқ тумани “Нурли истиқбол” МТП МЧЖ	13.03.2019	
18	Қуйи Чирчиқ тумани “Йўл қурилиш” корхонаси	14.03.2019	Э.Мавлонов
19	Қуйи Чирчиқ тумани “Мустақиллик” пахта тозалаш АЖ	14.03.2019	Ф.Артукметов
20	Қуйи Чирчиқ тумани сув хўжалиги бўлими	15.03.2019	Ш.Атемов
21	Қуйи Чирчиқ тумани “Агрокимёхимоя” ХАЖ	15.03.2019	К.Кабилов
22	Қуйи Чирчиқ тумани фермер хўжаликлари	Хар куни	Мулк эгаси
23	Шахсий техникалар	Хар куни	Мулк эгаси